

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgt.uz, info@uzssgt.uz • 2012 йил 26 октябрь • № 43 (908)

Анжуман

ТИББИЁТНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ

У мамлакатимиз радиологларининг IX илмий-амалий конференцияси бош мавзуси бўлди

Жорий йилнинг 22-23 октябрь кунлари мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида Ўзбекистон радиологларининг “Тиббиёт визуализацияси ва интервенцион радиологиянинг замонавий усуллари” мавзусидаги IX илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон радиологлари жамияти ва академик В. Воҳидов номи Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази ҳамкорлигида ўтказилди. Ушбу нуфузли конференцияда республикамиздан соҳанинг юқори малакали мутахассислари билан бир қаторда, Австрия, Франция, Швейцария, Венгрия, Чехия, Бельгия, Нидерландия сингари қатор давлатлардан ҳам тажрибали мутахассислар иштирок этишди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов кириш сўзи билан очиб, соғлиқни сақлаш тизимида тиббиёт визуализацияси ва интервенцион радиологиянинг бугунги кундаги ўрни ҳамда бу борада аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ошишида замонавий технологияларнинг аҳамияти ниҳоятда юқори бўлаётганлиги, шунингдек, мазкур йўналишда кадрлар салоҳияти ошиб бораётганлигини эътироф этиб ўтди. Юқори савияда ўтказилган ушбу тадбирнинг асосий мақсади – тиббиёт визуализациясининг юқори технологияли тизимлари, жадал ривожланаётган радиологик, ультратовуш текширувларининг самарали усуллари, диагностика ва даволаш радиологиясининг янги ва истиқболли йўналишлари ҳисобланадиган позитрон эмиссион томография, охириг авлод чизиқли тезлатгичларини амалиётга татбиқ этиш йўли билан аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини оширишдан иборат бўлди.

Шу ўринда таъкидлаш муҳими, аҳолига тиббий ёрдам сифатини оширишга қаратилган 2007 йил 19 сентябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида”ги

Президент Фармони ҳамда 2007 йил 2 октябрдаги “Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори асосида соғлиқни сақлашнинг таркибий тузилмалари, тиббиётнинг бирламчи бўғинлари ва ихтисослашган тиббий хизматнинг ривожланиши тубдан такомиллаштирилганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Дарҳақиқат, тиббий профилактика муассасаларини замонавий лаборатория, диагностика ва даволаш ускуналари билан таъминлаш ва модернизациялаш учун охириг 10 йил давомида бюджет маблағлари, имтиёзли кредит ва грантлар ҳисобидан 760 миллион АҚШ доллари йўналтирилиб, тизимга қаратилган давлат харажатлари 3,6 мартага ошди.

Ҳозирги кунда амалиётда тиббий визуализациянинг замонавий технологияларидан кўп кесимли компьютер томография, бир фотонли эмиссион томография, магнит резонанс томография, рақамли рентгенография, ангиография, кўп ўлчамли эхография каби усуллар кенг қўлланилаётган бўлса, рентгеноваскуляр ва интервенцион радиологиянинг бошқа усуллари эса ривожланмоқда. Охириг йилларда тиббиёт муассасалари 285 та рентгенологик, шу жумладан, рақамли, 540 та ультратовуш аппаратлари, 28 та компьютер томограф-



лари, 3 та бир фотонли эмиссион томографлар, 29 та рақамли флюорографлар, 6 та ангиокардиограф тузилмалари, чизиқли тезлатгич ва бошқа радиологик ускуналар билан таъминланди.

Юқориди таъкидлаб ўтилган ушбу замонавий аппаратларда ишлаш, албатта, малакали кадрлардан катта масъулият талаб қилади. Шундай экан, айти кунда юқори технологияли курилмаларда ишлайдиган мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасида халқаро ҳамкорлик ишлари ҳам йўлга қўйилган. Албатта, бу ҳамкорлик доирасида врачларни етакчи хорижий тиббиёт марказларида ўқитиш, юртимизда шу каби марказлар ташкил этиш ва аппаратлар техник сервисини такомиллаштириш ҳам

амалга ошириб келинмоқда.

– Бугунги кунга келиб, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш диагностика, шу жумладан, тиббий радиология хизматининг ривожланиши билан боғлиқ, албатта. Шундай экан, техник қайта таъминлаш, кадрлар тайёрлаш, радиология хизматини таркибий ислоҳ қилиш масалалари комплекс ечилиши зарур ва бу жараён республика соғлиқни сақлаш тизими олдидаги вазифаларни тўлиқ ва сифатли бажаришга омил бўлади, – дейди Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Компьютер ва магнит резонанс томография бўйича бош мутахассиси Бахтиёр Аҳмедов.

Юқори даражада ўтган анжуман давомида 3 та пленар ва 6

та секция йиғилишлари ўтказилиб, унда тиббиёт визуализацияси ва интервенцион радиологиянинг замонавий йўналишлари бўйича асосий масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, кун тартибидан ўрин олган долзарб мавзулар бўйича тажрибали мутахассислар томонидан юздан ортиқ маърузалар олиб борилди.

Албатта, бундай мақсадли халқаро конференция дунё тиббиёт фани интеграцияси ва ривожланишига, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарасини оширишга қаратилган ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга катта замин яратиши шубҳасиз.

Диёра БОЗОРОВА.
Сурат муаллифи **Анвар САМАТХОДЖАЕВ.**

Хабарлар

Парламентда

МЕДИА СОҲА ТАРМОҒИ ТАКОМИЛЛАШАДИ

Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан ўтказилган йиғилишда “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги ва “Ноширлик фаолияти тўғрисида”ги қонунларнинг Андижон ҳамда Сирдарё вилоятларидаги ижроси муҳокама этилди.

Медиа соҳага кўрсатилаётган ғамхўрлик натижасида ҳар икки вилоятда оммавий ахборот воситаларида миқдор ва сифат жиҳатдан ижобий ўзгаришлар кўзга ташланаётганлиги, жумладан, 1991 йилда Андижон ва Сирдарё вилоятларида жами 32 оммавий ахборот воситаси мавжуд бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 70 тага етди. Медиа тузилмаларнинг 55 фоизини нодавлат оммавий ахборот воситалари ташкил этиши эътиборга моликдир. Ютуқлар билан бирга, соҳадаги айрим камчиликлар ҳам қонун доирасида чуқур таҳлил қилинди.

Тиббиёт ва саломатлик

МАХСУС РЕЖА ИШЛАБ ЧИКИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги оналар ўлимини камайтириш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқди. Ушбу чоралар БМТнинг оналар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича Минг йилликнинг ривожланиш мақсадларига эришишга қўмаклашади.

Вазирлик сайтига жойлаштирилган буйруқда оналар ўлимлари ҳолатларини таҳлил қилиш, туғруқ мажмуалари ва шошилич ёрдам кўрсатиш бўйича туман тиббиёт бирлашмалари бўлинмаларининг тайёргарлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар доираси белгиланган. Шунингдек, ҳужжатда алоҳида ҳолатларда ҳомиладор аёлларни шошилич транспортировка қилишни ташкил этиш учун поликлиника ва туғруқхона мажмуаси, тез ва шошилич тиббий ёрдам станцияси ўртасидаги доимий алоқани таъминлаш зарурати ҳам кўрсатилган.

Бундан ташқари, мутахассисларнинг малакасини ошириш бўйича чора-тадбирлар ҳам амалга оширилади.

Намоз ТОЛИПОВ.

Матбуот анжумани

Ўзбекистон кардиохирургияси:
РИВОЖЛАНИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА

ёркин далилидир. Маълумки, мустақиллигимизнинг 21 йиллиги арафасида академик В. Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия марказида замонавий кардиохирургия мажмуаси куриб, фойдаланишга топширилди. Тўрт қаватли мазкур марказ кардиохирургия йўналишида фойдаланиладиган барча замонавий техника ва технологиялар билан таъминланган. Мажмуанинг **биринчи қаватида** кунга икки юз беморни кўриқдан ўтказишга мўлжалланган поликлиника, қон қуйиш станцияси, стационар шароитида давола-



Жорий йилнинг 25 октябрь куни Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан **“Ўзбекистонда кардиохирургия соҳасида эришилаётган ютуқлар, ушбу йўналишда ихтисослаштирилган даволаш муассасаларининг замонавий кўриниш олаётганлиги ва истиқболдаги режалар”** мавзусидаги матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг масъул ходимлари, мамлакатимизда кардиохирургияга ихтисослаштирилган тиббиёт муассасаларининг мутахассислари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг биринчи ўринбосари А. Худаяров кириш сўзи билан очиб, мамлакатимиз тиббиёт тизимида эришилаётган ютуқлар асосида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ошиб бораётганлиги, бунинг баробарида замонавий тиббиёт муассасаларининг янги технологиялар билан таъминланаётганлиги ва ишлар самардорлигида малакали кадрларнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, бугун Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда сифат жиҳатдан янги, юксак талабларга жавоб берадиган бирламчи тиббиёт, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш, хирургия, кардиология, урология, кўз микрохирургияси, акушерлик ва гинекология, терапия ва тиббий

реабилитация каби ўнлаб йўналишлардаги ихтисослаштирилган марказларни ўз ичига олган тиббиёт муассасаларининг мукамал тармоғи яратилди.

Мамлакатимиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ана шундай туб ислохотлар жараёнида аҳолига кардиология йўналишида кўрсатилаётган хизматлар кўламини янада кенгайтириш, профилактика ва диагностика ишлари самардорлигини ошириш ҳамда тиббий маданиятни юксалтиришга қаратилаётган эътибор ўзининг юксак самараларини беради келаятганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Эътирофлиси шундаки, бугун юртимиз кардиохирурглари томонидан энг мураккаб жарроҳлик амалиётлари муваффақиятли ўтказилмоқда. Жумладан, Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси ва Хоразм вилоят кардиология ҳамда Наманган вилоят кардиология марказларида олиб борилаётган энг ноёб амалиётлар фикримизнинг



надиган беморларни қабул қилиш хонаси, конференция зали ва бошқа хизмат хоналари жойлашган. Бинонинг **иккинчи қаватида** уч ёшгача бўлган болаларнинг туғма юрак нуқсонларини даволаш, интервенцион кардиология ва юрак уриш ритми бузилиши бўлимлари ҳамда ангиографик жарроҳлик хоналари мавжуд. **Учинчи қаватда** кардиохирургия бўлимининг палата, гемодиализ ва трансплантация бўлимлари, клиник-диагностика лабораторияси ҳамда диагностика хоналари жойлашган. **Тўртинчи қават** эса реанимация бўлими, шунингдек, иккита кардиожарроҳлик хоналарига эга.

Ушбу марказнинг фаолияти Президентимиз ташаббуси билан соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар нечоғли юксак самара бераётганидан ёрқин далолатдир. Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 19 сентябрда қабул қилган “Соғлиқни

сақлаш тизимини янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида”ги Фармони бу борада муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Табиийки, бундай ғамхўрлик ва эътибор юртимизда дунёдаги энг мураккаб операцияларни муваффақиятли ўтказиш имкониятини янада кенгайтирмоқда.

Биргина Республика ихтисослаштирилган хирургия марказида ўткир миокард инфаркти, буйрак томирларининг шикастланиши, қорин бўшлиғи, қўл-оёқ томир тизими касалликлари бўйича мураккаб операцияларни амалга ошириш услуги пухта ўзлаштирилди, микрохирургия ва кардиохирургия хизматини ривожлантиришга эришилди. Операциялар юрак очилган ҳолда ҳам, у ишлаб турган пайтда сунъий қон айлантириш аппарати уланмасдан ҳам амалга оширилмоқда. Марказ

минтақамизда жигар циррози ва унинг асоратларини жарроҳлик йўли билан даволайдиган ягона клиникадир. Айтиш жоизки, Республика ихтисослаштирилган хирургия марказидаги тажрибали мутахассисларнинг юқори даражадаги маҳоратлари хорижлик ҳамкасблар томонидан эътироф этилиб, дунё ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлиб келмоқда.

Шу ўринда буни биз мамлакатимизда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш, соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техник базасини ривожлантириш, хусусан замонавий, жаҳон стандартлари даражасидаги тиббиёт масканлари барпо этиш ва жиҳозлаш учун давлатимиз томонидан ажратилаётган маблағлар миқдорининг йилдан-йилга ортиб бораётганлиги мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, 2009 йил Инвестиция дастури доирасида 9,3 миллиард сўм, 2010 йил – 79,1 миллиард сўм ажратилган бўлса, 2011 йилда 136,0 миллиард сўмни, 2012 йилда эса ушбу кўрсаткич 256,0 миллиард сўмни ташкил этганлиги бунинг амалий исботидир.

Матбуот анжумани давомида соҳа мутахассислари кардиожарроҳлик йўналишида амалга оширилган мураккаб операция жараёнлари, шунингдек, келгусидаги режалар хусусида ўз фикрларини билдириб ўтдилар. Оммавий ахборот воситалари ходимлари мавзу доирасида ўзларини қизиқтирган саволлар билан мутахассисларга мурожаат этиб, бу тўғрида муҳим маълумотларга эга бўлдилар.

Семинар

ЭЪТИБОР МУҲИМ МАСАЛАГА ҚАРАТИЛДИ

2012 йилнинг 23-24 октябрь кунлари пойтахтимиздаги Radisson SAS меҳмонхонасида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳамкорлигида Европа давлатлари верификация комиссиясининг илк йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Европа давлатларининг мутасадди раҳбарлари, ЖССТ масъул ходимлари иштирок этдилар.

Йиғилишда асосан Европа минтақалари бўйича қизамиқ ва қизилча касаллигини элиминация ва верификация қилиш масалалари кўриб чиқилди. Кун тартибидagi муҳим мавзулар со-



ҳанин етакчи вакиллари томонидан муҳокама қилиниб, ўзаро фикрлар ўртага ташланди.

– Мазкур йиғилишдаги қизамиқ ва қизилча касаллигини элиминация ва верификация қилишга қаратилган фикрлардан хулоса чиқа-

радиган бўлса, ушбу хасталикларнинг олдини олиш дунё ҳамжамияти олдида турган муҳим вазифалардан бири эканлигини инкор этмаслик керак. Шунини айтишим муҳимки, қизамиқ ва қизилча касалликлари 2011 йилдан шу

кунга қадар мамлакатимизда қайд этилмади. Лекин айрим давлатларда ушбу хасталикларнинг учраётганлиги ҳар биримизни огоҳ-

ликка даъват этади. Шунинг учун ушбу хасталикларга қарши аҳоли йилига камида икки марта эмланиш шарт. Бунинг учун эмлаш ишларини жадаллаштириб, ўз вақтида ўтказиб бориш муҳим деб биламан. Шундай экан, биринчи навбатда тиббиёт ходимларининг масъулиятини ошириш, шунингдек, вазирликнинг буйруқларига амал қилган ҳолда иш юритиш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, авваламбор, аҳолининг бу борадаги хабардорлигини ошириб бориш муҳимдир, – дейди Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Санитария-эпидемиология назорати бош бошқармаси етакчи мутахассиси Дилором Турсунова.

Саҳифа материалларини Ибодат СОАТОВА тайёрлади.
Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.

Бугуннинг мавзуси

МУҲИМИ: ФОЖИАГА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙЛИК!

Кейинги пайтларда ёшлар орасида гиёҳвандлик ҳамда ичкиликка ружу қўйиш ҳолатлари кузатилмоқда. Бу, албатта, ачинарли ҳол. Айниқса, улар ичкилик ҳамда гиёҳванд моддаларга ружу қўйганликлари сабаб ўз соғликлари ва ҳаётларига раҳна солмоқдалар. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида республика тиббиёт тизимида муайян ишлар амалга оширилиб, гиёҳвандликка қарши кураш ишлари барча республика ва вилоят наркология диспансерларида изчиллик билан олиб борилмоқда.

Қонун ижроси устувор

Республикамиз ҳамда вилоятлардаги наркология диспансерларида аҳолига наркология хизмати «Сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ва токсикомания билан касалланган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 24 августдаги 401-сонли «Сурункали алкоголизм ва гиёҳвандлик касаллигига чалинган беморларни даволаш учун ихтисослаштирилган даволаш-профилактика муассасалари тармоғини кенгайтириш тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 1994 йил 28 декабрдаги 600/327-сонли «Сурункали алкоголизм ва гиёҳвандликка чалинган беморларни мажбурий даволашда, ихтисослаштирилган даволаш-профилактика, соғлиқни сақлаш, наркология муассасалари ва ички ишлар органлари билан ҳамкорликда таъминлаш тўғрисида»ги, 1998 йил 28 январдаги 39-сонли «Республика аҳолисига наркология ёрдами яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2008 йил 8 сентябрдаги 403-сонли «Республика аҳолисига наркологик хизмат кўрсатишни такомиллаштириш тўғрисида»ги, 2009 йил 6 июлидаги 204-сонли ҳамда 2010 йил 1 июндаги 173-сонли «Сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ва захарвандлик билан касалланган беморларни даволаш сифати ва самарасини ошириш мақсади тўғрисида»ги буйруқлари асосида фаолиятлар олиб борилмоқда.

Фаолият – бош мезон

Республика, шаҳар ва вилоятлардаги наркология диспансерларида олиб борилаётган фаолиятларга тўхталадиган бўлсак, кейинги йилларда бу борадаги ишлар изчиллик билан давом эттирилиб, ушбу ҳасталикнинг олди олинишида муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда. Кутилган натижалар билан бир қаторда, аҳоли орасида сурункали алкоголизм ва гиёҳвандликка ружу қўяётганлар сони ортиб бормоқда. Бу албатта, ачинарли ҳол. Чунки, бундай иллатларга ўрганиб қолганлар биринчи навбатда ўз соғликлари, шунингдек, атрофдагиларга ҳам зарар етказётганликларини билмай қоладилар. Гиёҳвандлик – инсон наркотик моддаларга ружу қўйиши ҳамда уни узлуксиз истеъмол қилиши натижасида юзага келадиган касалликдир. Айтиш жоизки, кейинги пайтларда ёшларнинг гиёҳванд моддани истеъмол қилиши кўпайиб бораётганлиги барчамизни ташвишга солмоқда. Шундай экан, гиёҳванд моддаларни илк бор татиб



кўрган инсон организми тез орада унга мойил бўлиб қолади. Бунда организмнинг фаоллиги сусайиб, ушбу оғуға рухий ва жисмоний жиҳатдан берилиб кетиш ҳоллари юзага келади. Шу ўринда айтиш жоизки, гиёҳвандликка касалликнинг шартли уч равишдаги босқичи тафовут этилади:

Биринчиси – ўрганиб бориш, яъни адаптация (организм фаоллиги ўзгариб, рухий қарамлик пайдо бўлиши);

Иккинчиси – жисмоний қарамлик пайдо бўлиши ёки унинг хумори тутиб, одам жуда қаттиқ қийналганидан (абстинент синдром) гиёҳванд модда истеъмол қилишга мажбур бўлавериши ҳамда эҳтиёж сезавериши;

Учинчиси – бутун организм тизимлари ҳолдан тойиши. Гиёҳванд моддалар организм учун зарарли бўлиб, бош миёга таъсир қилади ва унинг мижози сусайиб (импотенция) рак касаллиги, яъни ўпка хас-



талигига сабаб бўлса, кейинчалик эса тутқаноқ касаллигини келтириб чиқаради.

Гиёҳванднинг руҳияти ўзгариб, у тажовузкор бўлиб қолади. Жамиятдаги қонун-қоидаларга хилоф равишда хатти-ҳаракат ва жиноятлар содир этади. Баъзан гиёҳвандлар оғуни истеъмол қилгандан бир оз вақт ўтгач, унинг қорни очиб, аъзои-бадани тортишиб, ўз-ўзидан ҳеч тўхтовсиз кулаверади. Миёсида ҳар хил фикрлар пайдо бўлиб, гаплари тушунарсиз, шунингдек, атрофдагилар билан алоқасини йўқотиб, уларнинг шодлигини кўра олмайди. Сержаҳл, тажанг бўлиб, руҳияти ўзгариб, кўнглида ваҳима пайдо бўлади.

Гиёҳванд моддаларнинг ҳар хил тури мавжуд экан, улар истеъмол қилинганда юрак томирлари ва нафас тизими сусаяди. Бундай гиёҳвандларда бадан териси кўкариши, қон аралаш ич кетиши, шунингдек, териси қаттиқ қичишиб, тошмалар тошиши кузатилади. Юзи кўкимтир ҳолда қизаради. Худди ўлаётгандек, қаттиқ ваҳимага тушади. Артериал босими пасайиб, кўзига йўқ нарсалар кўринади ва қулоғига ҳар хил

товушлар эшитилади.

Биз юқорида гиёҳванд моддалар истеъмол қилишга ружу қўйган инсонлардаги ҳолатларни санаб ўтдик. Ушбу касалликдан қутулишнинг асосий йўли – ёшлар тарбиясига эътиборни кучайтириб, аҳоли орасида тарғибот ва ташвиқот ишларини мунтазам олиб бориш зарур.

қабул қилинган қарорлар, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқлари асосида профилактик ишлар олиб борилмоқда.

«Мустақкам оила йили» Давлат дастури асосида маҳалла кенгаши фаоллари, нозирлар билан биргаликда соғлом оила муҳитини ташкил этиш ишлари кенг йўлга қўйилган. Шу ўринда айтиш жоизки, бундай



маҳаллалар, мактаб, олий ўқув юртлари ва касб-хунар коллежларида турли мавзуларда тадбирлар ўтказиб келинмоқда. «Гиёҳвандликка қаршимиз, соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз», «Гиёҳвандлик муаммолар ечими эмас, гиёҳвандликнинг олдини олайлик», «Алкоголизм ва саломатлик», «Гиёҳвандлик ва алкоголизм» каби долзарб мавзуларда ўтказилган учрашув ва давра суҳбатлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотиб, улар томонидан берилган саволларга мутахассислар жавоб беришмоқда. Бундан ташқари, оммавий ахборот воситалари орқали долзарб мавзудаги материаллар чоп этилиб, телевидение, радио орқали кўрсатув ва эшиттиришлар олиб борилмоқда.

Яна шуни таъкидлаш муҳимки, мазкур тиббиёт муассасаларида ишлар самараси кўпроқ кадрлар салоҳиятига боғлиқ бўлади. Шунинг учун уларнинг малакасини ошириш даврнинг асосий талабига айланиб бормоқда. Мутахассислар Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида билим доираларини кенгайтириб, беморларни даволашда муомала-мадания-



ти ҳамда даво муолажаларига катта эътибор қаратиб келмоқдалар.

Ҳар қандай вазиятда ҳам бундай беморлар билан ишлаш ҳушёрлик ҳамда масъулият талаб этади. Аслини олганда касалликнинг олдини олиш кўпроқ ўзимизга боғлиқ эканлиги, айниқса, болаларимиз тарбиясига безътибор бўлмаслигимиз ҳамда кўча-кўйда бўш вақтини бекор ўтказётган айрим шахслар нималар билан машғул эканлигига, шунингдек, кўнгилочар дам олиш масканларини назоратсиз қолдирмаслигимиз муҳим ҳисобланади.

Ибодат СОАТОВА.

(Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг молиявий кўмаги остида тайёрланди).

Қилмишимдан афсусдаман...

Оиламиздаги аҳиллик ота-онамнинг бир-бирларига бўлган ҳурмати ва биз фарзандларига эътибори жуда яхши эди. Мактабда ўқиб юрган давримизда оиладаги соғлом муҳит, ўқитувчиларимизнинг таълим ва тарбияси туғайли мен ҳам, синглим ҳам талаба деган номга мушарраф бўлдик. Талаба бўлганимдан сўнг ўртоқларим кўпая бошлади. Дарсдан бўш пайтимизда курсдошлар билан кино, истироҳат боғи ҳамда интернет-кафеларда дам олиб, маданий ҳордиқ чиқарардик. Отам бир корхонада юқори лавозимда фаолият олиб борар, онам эса савдо-сотиқ билан шуғулланар эди. Ўша даврларда ота-онамнинг биз фарзандларига эътиборсизлиги ҳаётимни ўзгартира бошлади. Айниқса, улардан пул ёки машинани сўраганимда сўзсиз ҳамма нарсасига рухсат беришарди. Шу залда ҳеч қийналмай институтни тугатдим. Отам мени дарҳол таниш-билиш орқали қурилиш ташкилотига прораб лавозимига жойлаштирди. У ерда ҳам ўзим каби мустақил фикрга эга бўлмаган, ишқамас дўстлар орттирдим. Меҳнат қилмай туриб, жарақ-жарақ пуллар чўнтагимга тушганидан сўнг, уйга ўз вақтида бормайдиган, машаққатга берилиб, ҳатто икки-уч кунлаб келмайдиган бўлдим. Хуллас, ота-онам бу ҳолатимни кўриб, уйлантиришди. Турмуш ўртоғим яхши оиладан бўлиб, одобли ва тарбияли эди. Ойлар ўтиб, оиламга бўлган меҳрим узоклаша бошлади. Шу орада аёлим ҳомиладор бўлди. Ота бўлар эканман деб ич-ичимдан қувондим. Лекин ўрганган кўнгли ўртанса қўямас деганларидек, яна олдинги ҳаётимни қўрсардим. Энг ёмони, ўртоқларим машаққат олиб боришганда ичкилик, қолаверса, гиёҳвандлик кўчасига кира бошладим. Ундан ташқари, уйда ўз рафиқам туриб, бошқа аёллар билан машаққат қилишга берилдим. Ниҳоят, ота бўлдим. Ўғил фарзанд кўрдим. Ота-онам бир неча бор насиҳат қилиб, бу йўлдан қайтаришга уринишди. Афсуски, мен боши берк кўчадан чиқиб кета олишимга кўзим етмас эди. Шу залда уч йил ўтиб, қиз фарзандлик бўлдик. Менинг саёқ юришларим, машаққатозлигим ҳамда гиёҳванд моддасини истеъмол қилганим сабабли қизимнинг ногирон туғилишига олиб келди. Кейинчалик ўзимни бошқаролмайдиган, гиёҳванд модда истеъмол қилмасам туролмайдиган бўлдим. Ота-онам, турмуш ўртоғим, фарзандларим, қолаверса, маҳалла аҳли меҳдан зерикиб, юз ўгира бошлади. Ҳатто, шу даражага етдимки, уйдаги қимматбаҳо нарсаларни сотиб, захри қотилни қанда қилмадим. Маҳалла фуқаролар йиғини, участка нозирлари мени бу аҳволимдан хабардор бўлишиб, вилоятимиздаги наркология диспансерига жойлаштиришди. Шифокорларнинг айтишига қараганда, ҳали кўп даволанишим керак экан. Ушбу муассасада даволаниб, хаёлим секин-аста ўзига кела бошлади. Кечалари кўзимга уйку келмайди. Чунки ота-онамнинг зор-зор йиғлаганлари, рафиқам ва болаларимнинг изиллашлари кўз олдимдан кетмас эди. Ўтган ҳаётимни, қилган ишларимни эсласам бутун вужудим титраб, инсонийлик қиёфасидан чиқиб, бир жирканч маҳлуққа айланганимни кеч бўлсада тушуниб етдим. Ана шуларнинг сабабини излаганимда оиладаги тарбиянинг етишмовчилиги, ундан ташқари, тунги кафе-барларнинг назоратсизлиги мени шу қадар тубанликка етаклаганига амин бўлдим. Бир куни шифокор менга оиламдагилар келганини хабар берди. Деразадан қарасам, муштипар онам, рафиқам ва икки фарзандим диспансер ҳовлисида мени кутиб туришар эди. Уларни кўриб мени совуқ тер боса бошлади. Шу дақиқада ўргимчак тўрига кириб қолганимни, фарзандларим борлигини унутиб, оилам ризқини жирканч иллатга алмаштирганимни англаб етдим... Мусибатдан сочлари қордай оппоқ онамнинг юзларига қарай олмас эдим. Ўғлимнинг бўйи бўйимга тенглигини кўриб, ўзимга-ўзим лаънат ўқидим. Энди гиёҳванд отанинг фарзандларига ким қиз бериб, ким келин қилар экан, деган ўйлар ич-этимни кемирарди. Юқорида қилган номаъқул ишларимдан минг афсусдаман.

Азиз укажон ва синглижонлар! Ҳаётингизни мен каби хазон қилманг. Ота-онангиз ва оилангизни ҳеч қачон хор этманг. Очиги, қилмишимдан афсусдаман.

Р.

Тошкент шаҳри.

Тарғибот-ташвиқот савараси

Ҳар қандай касалликнинг олдини олишда тарғибот ва ташвиқот ишлари асосий ўрин тутади. Ҳукуматимиз томонидан

фожиаларнинг олдини олишда Республика саломатлик ва тиббий статистика институти ҳамда унинг вилоят филиаллари томонидан гиёҳвандликнинг олдини олиш мақсадида

Нуқтаи назар

ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИ ВА «ОММАВИЙ МАДАНИЯТ» ТАХДИДЛАРИ

Глоблалашув даври деб қаралаётган бугунги кунда миллий ва умумбашарий маданий эстетик қадриятлар инсоният ҳаётида ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Зеро, глоблалашув шароитида ғаразли ниятларини амалга оширишга, жирканч муддаоларига оммавий маданиятни тарғиб қилиш орқали эришишга интилаётган қора кучлар мавжудки, улар ижтимоий онги шаклланиб улгурмаган, ҳаётий тажрибаси етарли бўлмаган ёш авлодга таъсир этишининг турли воситалари ва усулларида фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Шундай экан, оила, таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, болалар ва ўқувчи ёшлар билан ишлаш шакл-тамойлари ривожлантириш, таълим-тарбия ишлари жараёнига илғор педагогик технологияларни кенг таъбиқ этиш бугунги кундаги долзарб вазифарлардан биридир. Бу хусусда Юртбошимиз "Юксак маънавият энгилмас куч" асаридида шундай ёзади: "... оммавий маданият" деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни кўпоришга қаратилган ҳартаъри тахдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди".

Тарбияда "иммунитет" сўзи ҳозирда кенг қўлланилаётган тушунчадир. Аслида "иммуни-

тет" сўзи биологик тушунча сифатида ўсимлик ёки тирик организмнинг ташқи таъсирларга чидамлик ва яшовчанлик маъноларини англатади. Тарбиявий иммунитетга шахснинг маълум ижтимоий муҳит таъсири, олган таълим-тарбияси натижасида унда шакллантирилган тушунча, фикр ва ғоялар тизими остида фаолият кўрсатишида уларнинг устувор аҳамият касб этиши ҳамда унинг характер хусусиятига айланганлигини ифодаловчи илмий-педагогик тушунча деб қараш фикримизни ойдинлаштиради. Ана шу тарбиявий иммунитет шахснинг жамиятдаги муайян мақсадлар ва устувор тамоийиллар асосида шаклланган тизими бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Инсонда шаклланган эстетик ҳис-туйғу ва кечинмалар, қарашлар ҳамда эътиқод ўзига хос характерни таркиб топтиради. Бундай эстетик ҳис ва эзгулик асосида тарбияланган шахс ҳеч қачон, ҳар қандай ҳолатда ўзлигини йўқотмайди ва ўзини, руҳий ҳолатини бошқара олади. Бугунги кунда оммавий маданият куролларидан бири турли ахборот воситаларидир. Бу жараёнлар интернетдаги сайтлар орқали, кинофильм ва ҳаётий воқеаларда ўз ифодасини топмоқда. Бундай яширин салбий таъсирлар киши онгига секин-аста ўз таъсирини ўтказмай қолмайди ва уларга юз фоиз тўсиқ қўйиш, чегаралаш имконияти йўқ. Баркамол авлод тарбияси-

да тарбия жараёни қанчалик мақсадга мувофиқ, педагогик жиҳатдан тўғри, сермахсул бўлиши у маҳорат билан ташкил этилиши ва уюштирилишига боғлиқдир. Ёш авлодни алдамчи, бузғункор, бегона таъсирлардан сақлаш, уларда ҳаётга энгил-елпи муносабатда бўлишларига йўл қўймаслик, ижтимоий фаол шахс хусусиятларини таркиб топтириш орқали ёшлар маънавий савиясини юксалтириш имкониятлари кенгайди. Тарбияланувчи шахсида тарбиявий иммунитет ҳосил бўлишига эришув орқали ҳар қандай ташқи таъсир муаммолари ўз ечимини топади.

Бугунги кунда диёримизда мамлакатимиз тараққиёти омили бўлган ёш авлод таълим-тарбияси устувор йўналиш сифатида давлат сиёсати даражасига олиб чиқилиши ва ўтказилаётган ислохотлар ўз ҳосилини бермоқда. Ўз халқи, юрт равнақи ва мустақил давлатимиз барқарорлиги ҳамда эртасига ишонч ҳисси Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлидан тўғри бораётганлиги ифодасидир. Келажагимиз бўлган ёш авлод тарбиясида тарбия иммунитетини ҳосил қилишда куйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш ўринлидир:

- ўқувчиларда, хусусан бошланғич синфларда ўқув-билув фаолиятлари жараёнида ватанпарварлик тушунчаларини бойитиш ва уларда ижтимоий фаоллик кўникмаларини шакллантириб бориш;

- жамиятимиздаги устувор ҳуқуқий, ахлоқий меъёрларга риоя этиш, унинг зарурати

ҳақида изчил ва мунтазам равишда билимлар бериб бориш;

- ўқувчиларда соғлом турмуш тарзига амал қилиш, яшаш ва олам гўзаллигини ҳис қилишга, эзгулик ҳисларини тарбиялаш ҳаётийлигини таъминлаш;

- халқ педагогикаси материалларидан унумли ва ўринли фойдаланиш;

- мамлакатимиз ва дунёда рўй бераётган воқеаларга тўғри муносабатларни шакллантириш;

- ўтказиладиган тадбирларни педагогик жиҳатдан тўғри ёндошган ҳолда ўқувчилар фаоллигида ташкиллаштириш ва олиб бориш;

- айниқса, ўқувчиларнинг мустақил ижодий ишлари орқали миллий анъаналаримиз ривожланишига ҳисса қўшувчи, касб-хунарга ўргатувчи санъат турларини эгаллашга мойиллик туйғуларини шакллантириб бориш ва бу борада кўрик-танловлар ўтказиш;

- ўтказиладиган маънавият соати машғулотларини турли усул ва шакллардан фойдаланган ҳолда сермазмун ташкил этиш ва олиб бориш;

- ҳозирда ўқув-тарбия муассасалари хилма-хиллигидан келиб чиқиб, улар ўртасидаги узвий боғлиқлик ёшлар камолотини таъминловчи таълим-тарбиявий шартнома ва келишувлар асосида ҳамкорликда ягона педагогик жараённи мазмунан бойитиш;

- ўқув-тарбия муассасалари, ота-оналар ва жамоатчилик ҳамкорлигини амалий жиҳатдан юқори савияда олиб боришга эришиш;

- жамият ва табиатдаги гўзал-

ликни ҳис этириш кўникмаларини таркиб топтириш орқали маънавий муҳофаза қила олиш имконини яратиш омилидир. Зеро, Ватан озодлиги, ободлиги, келажагимиз бўлган баркамол авлод тарбиясига боғлиқ ва бу мамлакат тараққиётининг юксалишидан далолат берувчи устувор вазифадир.

Мухтарам Президентимизнинг мамлакатимиз тараққиёт этиши борасидаги тўхтовсиз саъй-ҳаракатлари туфайли ҳозирги тахликали замонда республикамизда тинчлик, ижтимоий-иқтисодий барқарорлик ҳукм сурмоқда ва тараққиётнинг юксак даражаларига эришилмоқда. Республикамиз фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликлари Конституциямиз ва миллий қонунчилигимиз билан тобора мустаҳкамланмоқда. Фуқаро қаердалигидан қатъи назар, ҳуқуқий жиҳатдан ўз ўрнига эга шахс сифатида давлат ҳимоясида бўлиши қонунларимиз ва амалиётда ўз ифодасини топган. Шу сабабли униб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама ҳимоя қила олсак, уларга ҳеч бир ёвуз куч ёнқи бирор-бир хавфли таҳдид соя солмайди.

Н. ТОЛИПОВ,
журналист.

(Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг молиявий кўмагида тайёрланди).

НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ БИЛИМЛАР УЙҒУНЛИГИ

ОИВ инфекциясига чалинган беморларни парваришда муҳим ўрин тутмоқда

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини яхшилаш, тиббий хизмат сифатини ошириш, соҳага замонавий ўқув услублари ва технологияларини кенг жорий этиш, айниқса, юқиш хавфи юқори бўлган касалликларга эрта ташхис қўйиш ва даволашнинг самарали чора-тадбирларини кенг қўллаш амалиёти бугун давр талаби даражасида олиб боришмоқда. Хусусан, ОИВ инфекциясининг олдини олиш ва аҳолини бу каби хавфли касалликлардан ишончли ҳимоя қилиш тизими тобора такомиллашмоқда.

Жорий йилнинг 22-25 октябрь кунлари пойтахтимизда ПРООН халқаро ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси лойиҳаси асосида Глобал фондининг молиявий кўмагида ташкил этилган семинар-тренингда ҳам юқоридаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

"ОИВ инфекциясини юқтирган беморларни даволаш-профилактика муассасаси ва уй шароитида паллиатив ёрдам кўрсатиш ва парвариш қилиш бўйича патронаж ҳамшираларни ўқитиш" лойиҳаси жорий йилнинг сентябрь ойида бошланган эди. Ушбу лойиҳа доирасида Андижон, Фарғона, Наманган, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида ҳамшираларни ўқитиш учун махсус тренерлар гуруҳи тайёр-

ланди. Эндиликда лойиҳанинг иккинчи босқичи Тошкент вилоятининг патронаж ҳамширалари иштирокида ташкил этилди. Бундан кўзланган асосий мақсад – ОИВ юқтирган беморларни парваришда ҳамшираларнинг билим савиясини ошириш, уларни замонавий таълим дастурлари асосида ўқитиш, халқаро тажриба билан таништириш, беморлар билан ишлаш жараёни, уларга кўмаклашиш бўйича касбий кўникмаларини бойитишдан иборатдир. Таъкидлаш жоизки, мазкур лойиҳа жорий йил якунигача давом этади ва унда мингга яқин патронаж ҳамшираларни ўқитиш режалаштирилган. Машғулотлар интерактив усулда, жонли ва ўзаро мулоқот тарзида ташкил этилган бўлиб, ҳар бир ҳамшира наза-

рий билимларни эгаллаш баробарида, ушбу хасталикка чалинган беморларни бевосита назорат қилиш ва парваришда шакли амалиётга кириб боради.

Семинар-тренингда маърузачилар давлатимиз томонидан ушбу хасталикка қарши курашиш борасида кўплаб профилактик чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилгани ҳамда бу жараёнда патронаж ҳамшираларнинг ҳам алоҳида масъулияти ва тажрибаси муҳимлигини таъкидладилар. Бунинг баробарида уларнинг билим савиясини ошириш, соҳага халқаро тажриба кўникмаларини уйғун ҳолда олиб кириш, замонавий технологиялар ва янги услублар билан ишлаш даражасини яхшилаш масаласига эътибор қаратдилар.

– Статистик маълумотлардан кўринадики, соғлиқни сақлаш амалиётида назарий ва амалий жиҳатдан чуқур билимга эга, малакали тиббиёт ходимларига бўлган талаб тобора кучайиб бормоқда. Зеро, тиббиёт ходимлари ўзларини ҳам ва уларга мурожаат этаётган беморларни ҳам ОИВ инфекциясини



юқтириб олишдан ҳимоялай билишлари ўта муҳим. Бундан ташқари, улар беморларни парваришда ва уларни даволаш бўйича бир қатор зарур билимларга эга бўлмоқликлари лозим. Шу мақсадда ушбу семинар-тренингни ташкил этиш режаси ишлаб чиқилди ва татбиқ этилмоқда, – дейди лойиҳа менежери Гулжаҳон Юлдашева.

Семинар-тренинг давомида иштирокчилар ОИВ инфекция-

сининг этиологияси ва эпидемиологияси, касаллик клиникаси, лаборатор ташхислаш ва даволаш усуллари, беморларга паллиатив ёрдам бериш ва парваришда бўйича назарий билимлар билан бирга, амалий машғулотлар ҳам ўтказдилар. Эндиликда патронаж ҳамширалар ушбу билимларини беморлар билан ишлаш жараёнида мақсадли ва самарали қўллайдилар.

Раъно ҲАСАНОВА.

Болалар спорти

**Ўқувчи болаларнинг ўсиши ва
ривожланишининг тиббий-биологик жиҳатлари****(Давоми.
Боши ўтган сонларда).**

Жисмоний тарбия ёш инсонни ахлоқий маданияти ва тарбиясига ўз ҳиссасини қўшади. Ахлоқийликни такомиллаштириш, иродавий саъй-ҳаракатларни намоеън этиш, маънавий турғунликка эришиш учун жисмоний куч, жисмоний чидамлик ва чиниқиш зарур бўлади. Шунинг учун уйғун ривожланган шахсни шакллантиришда маънавий бойлик, ахлоқий тозаллик ва жисмоний мукамалликни мактаб ёшидан бошлаб ўзида мужассамлаштириш ўта муҳим ҳисобланади.

Жисмоний тарбия ва спортнинг зарарли одатларга таъсири (гиёҳвандлик, алкоголизм, чекиш). Болалик ва ўсмирлик ёшида зарарли одатларнинг ҳалокатли эканлигини ҳамда улардан воз кечишнинг бутун мураккабликларини англаш ҳамда осон кечмайди. Бир нарса аниқки, саломатлик ва зарарли одатлар бир-бирига тескари бўлган тушунчалардир. Жисмоний тарбия ва спорт умуминсоний қадрият маъносига соғлом турмуш тарзини тасдиқлайди, ёшларни зарарли одатлардан чалғитади.

Ҳаётий фаолиятнинг мазкур усулини доимий ҳамда кўп қиррали жисмоний тарбия ва спорт воситаси орқали эгаллаш, ёш инсонга зарарли одатларга ҳамда ахлоқсизликка йўғрилган турмуш тарзига нафақат қарши тура олиш, балки ўз-ўзини тарбиялаш, шахс сифатида ўзини ривожлантириш масалаларини моҳирона ҳал қилиш, ўзининг жисмоний-маънавий имкониятларини оқилона англашга ёрдам беради.

**Ўқувчиларнинг
Жисмоний тарбия
ҳамда спорт билан
шуғулланишини
ташқил этиш****Жисмоний тарбиянинг
мақсад
ва вазифалари**

Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш саломатликни шакллантириш ҳамда мустаҳкамлаш, мамлакатимизда етишиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлашнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Жисмоний маданият ва спорт болалар ҳамда ўсмирларда кўпгина фазилатлар, шу жумладан, уларнинг жисмоний бақувват бўлиши, ҳаракат кўникмалари ҳамда жисмоний хусусиятлари такомилга етиши, организмнинг захира кучлари, иш қобилияти, кўпгина касалликларга нисбатан қаршилиқ кучининг ошишига ёрдам беради. Бироқ чидамлик, умумий саломатлик ҳолати ҳаммада бир хил бўлмаганидек, юклама ҳам бир хил бўлиши мумкин эмас.

**Мактаб ёшидаги
болаларни жисмоний
тарбиялаш вазифалари**

1. Соғлигини мустаҳкамлаш, ўқувчиларни чиниқтириш, уларнинг тўғри жисмо-

ний ривожини ва юқори ақлий иш қобилиятини сақлаб туришига кўмаклашиш.

2. Жисмоний хусусиятларини тарбиялаш (чаққонлик, кучлик, тезлик, бардошлилик, қайишқоқлик) ва ҳаётий зарур ҳаракат кўникмалари: юриш, югуриш, сакраш, отиш, тирмашиб чиқиш, ошиб ўтиш, сафда юришга тайёргарлик, қоматни ростлаш, мувозанатни сақлашга доир машқлар, ҳаракатлар аниқлиги ва мувофиқлиги, ритм ҳамда суръат сезгиси, жамоа бўлиб ҳаракат қилиш кўникмалари орқали ўқувчиларни «Баркамол авлод учун» меъёрий талабларини бажаришга тайёрлашни шакллантириш.

3. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги махсус билимлардан хабардор қилиш ва ташкилий кўникмаларни, шунингдек, шахсий ҳамда жамоат гигиенаси кўникмаларини, маданий хулқ-атвор одатларини сингдириш, жисмоний баркамолликка

ҳолатларда гавдани тўғри тутиш малакасини мустаҳкамлаш;

• **ўйинли вазиятларда оқилона ва мураккаб ҳаётий-амалий, шунингдек, спортнинг ҳаракатли турларини ўзлаштириш.**

Кичик мактаб ёшидаги болалар чидамликнинг юқори ривожланиш даражаси билан фарқланишмайди. Бироқ 10 ёшга келиб уларда тезкор ишларни қайта-қайта бажаришга бўлган қобилият ошиб боради (қисқа масофаларга қайта-қайта югуриш), шунингдек, давом этаётган вақт ичида кам жадаллик талаб қиладиган ишларни (секинлашган югуриш) бажариш иштиёқи кучли бўлади. Бинобарин, секинлашган югуришдан кичик мактаб ёшидагиларга чидамликни ривожлантириш орқали, ундан қулай восита сифатида муваффақият билан фойдаланиш мумкин.

Бошланғич мактабда биринчи жисмоний тарбия дарсларидан бошлаб, умумий чидам-



етишиш мақсадида мустақил машқ қилишни билиш.

4. Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш жараёнида ўқувчиларда ўзи ҳамда жамият учун зарур бўлган ирода кўникмалари: мақсадга интилиш, ташаббускорлик, довураклик, матонатлик, интизомлик, чидамлик, саросимага тушмаслик, шунингдек, биродарлик, дўстлик ва жамоа бўлиб ҳаракат қилиш хусусиятларини шакллантириш.

Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти олдига турган вазифаларини амалга оширишда турли синфлардаги ўқувчиларнинг соғлиқ ҳолати, ёши, жинси, жисмоний ривожланганлиги ва жисмоний тайёргарлиги ҳисобга олинади.

Мазкур бўлимда турли ёш даврларидаги ўқувчиларга ушбу қўлланманинг бундан олдинги бўлимларида баён қилинган хусусиятларини назарда тутган ҳолда, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари бўйича тавсияномалар тақдим қилинади.

**Кичик ёшдаги мактаб
ўқувчилари учун жисмоний
тарбиянинг асосий
вазифалари:**

• **саломатликни мустаҳкамлаш ва меъёрий жисмоний ривожланишга кўмаклашиш;**

• **ҳаракатли сифатлар ривожланишига кўмаклашиш: чаққонлик, тезкор-кучлик, мушак кучи, чидамлик ва бўғинлардаги ҳаракатчанлик;**

• **ҳаракатланиш ва статик**

тарбиялаш зарур, дея ҳисоблашади.

**Ўрта ёшдаги мактаб
ўқувчилар учун жисмоний
тарбиянинг асосий
вазифалари:**

• **саломатликни мустаҳкамлаш ва меъёрий жисмоний ривожланишга кўмаклашиш;**

• **ҳаракатли сифатлар ривожланишига кўмаклашиш: чаққонлик, тезкор-кучлик, мушак кучи, чидамлик ва бўғинлардаги ҳаракатчанлик;**

• **ҳаракатланиш чоғида ва статик ҳолатларда гавдани тўғри тутиш малакасини мустаҳкамлаш;**

• **оқилона ва мураккаб ҳаётий-амалий, шунингдек, ўйинли ҳамда мусобақалаш шариоитларида ҳаракатли спорт турларини ўзлаштириш;**

• **алоҳида гимнастика, энгил атлетика, сузиш, спорт ўйинлари (баскетбол, волейбол, гандбол, футбол) машқларини бажаришда техника асосларига ўқитиш;**

• **ўз-ўзини назорат қилиш асослари билан таништириш ва жисмоний машқларни бажариш пайтида ЮҚЧ бўйича юкламаларни меъёрлаш.**

Ўрта мактаб ёшидаги жисмоний тарбия воситалари – асосий туркум машқлар, отиш, сакраш, юқорига чиқиш, тиккама ва ёнлама тўсиқларни кесиб ўтиш, спорт ўйинларига доир техника асослари, шунингдек, ҳаракатли фаолиятнинг янги технологиялари: аэробика ва бошқалар билан машқ қилишни ўргатиш.

Ўрта мактаб ёшидаги жисмоний тарбия дарсларида ўқитувчининг ўрни бир оз бошқачароқ бўлади, энди у ташкилотчи ва ёрдамчи. Машғулотларни ўтказиш пайтида ўқитувчи асосий эътиборни, жисмоний машқларни мустақил равишда бажариш малакасини эгаллашга ва уларни организмнинг турли тизимларига таъсир кўрсатишга қаратади.

**Академик лицей ва
касб-хунар коллежлари
ўқувчилари учун жисмоний
тарбиянинг асосий
вазифалари:**

• **саломатликни мустаҳкамлаш, ҳар томонлама жисмоний ривожланишга кўмаклашиш ўқув жараёни давомида юқори ишчанлик қобилиятига эришиш ва уни ушлаб туриш;**

• **барча ҳаракатли сифатлар ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш;**

• **спорт машқлари асослари ва ўз-ўзини назорат қилишга доир билимларни чуқурлаштириш;**

• **жисмоний машқ машғулотларини мустақил бажаришга бўлган турғун одатларни шакллантириш, жисмоний машқларга доир машғулотларнинг яқка тартибдаги тасурларини тузиш малакасини эгаллаш ва улардан ўз-ўзини такомиллаштириш жараёнида мунтазам равишда фойдаланиш.**

Лицей ва коллежларда жисмоний тарбия иккита турли дастурлар бўйича олиб борилади: ўсмирлар ва қизлар учун. Жисмоний тарбия дарсларини иккита ўқитувчи олиб боради. Шу-

ғулланаётганларнинг гуруҳий ва яқка тартибдаги услубларидан, ҳаракатларни ривожлантиришда эса – янгиланган ва мустақил равишдагисидан фойдаланилади. Дарслар спорт машқлари характерини касб этади. Жисмоний тарбия ўқитувчиси мураббий-услубчи вазифасини бажаради. Дарсни ўтказиш услубияти катталар билан машғулот ўтказиш услубиятига яқинлаштирилади. Юкламалар динамикаси, спорт машқлари учун характерли бўлган даражага етади.

Қизлар билан машғулот ўтказилаётганда мушаклар ва кичик тос аъзоларини авайлаш, ички қорин босими ошишини келтириб чиқарадиган машқлардан қочиш лозим бўлади. Бу нафасни тутиб туриш, кучаниш, оғир нарсаларни кўтариш, чуқурликка сакраш машқларига тааллуқлидир. Дарслар мундарижаси, юкламаларни меъёрлаштириш ва жисмоний тайёргарликни баҳолаш жинсга боғлиқ ҳолда табақалаштирилади. Бу ёшда ўқувчиларнинг физика, кимё, биология дарсларида олган билимларига таянган ҳолда, жисмоний машқларни мустақил равишда таҳлил қилиш қобилиятини ривожлантириш зарур бўлади.

Статик саъй-ҳаракатларни талаб қиладиган юқори юкламалар ва машқлардан фойдаланилади. Бунга тезкорликда бажариладиган, қўшимча топшириқлар билан малоллик келтирадиган машқлар характерлидир. Чаққонлик-кучлик қобилиятлари яхши ривожлана бошлайди. Умумий ва тезкор чидамликнинг ривожлантириш учун шариотлар яратилади, у эса ишчанлик қобилиятини оширишга, иродавий сифатлар ривожланишига имкон беради. Жисмоний такомиллашиш ва спортнинг бошқа турларига бўлган мойиллик ва қизиқишларни шакллантириш зарур. Шунингдек, ўқувчиларни машғулотларда ўз-ўзини назорат қилиш усулларига ўргатиш ҳам муҳимдир. Юкламаси зоғ вақт жадаллик билан давом этадиган машқлар 80-85 фоиз максималликдан ошмаслиги лозим. Аэробика, бодибилдинг, мусика остида бажариладиган турли хил машқларни қўллаш тавсия этилади. Мазкур ёш тоифасидаги ўқувчиларда жисмоний тарбия воситаларининг барча турларидан фойдаланилади, улар ўрта мактаб ёшидагиларга қиёсланганда, нисбатан кенгайганлиги билан ажралиб туради. Спорт ўйинларининг техник усулларида кенг фойдаланилади: қизлар учун – аэробиканинг турли турлари, бадий гимнастика, ўғил болалар учун – кураш элементлари, ҳарбий тайёргарликнинг сафли усуллари ва тўсиқларни кесиб ўтиш, тренажёрларда машқлар бажариш, атлетизм шулар жумласидандир.

Дилором АХМЕДОВА,
Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази директори, профессор.

(Давоми бор).



Умумий амалиёт шифокорларига амалий ёрдам

ЮРАК АРИТМИЯЛАРИ

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Юрак аритмияларининг диагностикаси ва уларни даволаш анча мураккаб муаммо ҳисобланади. Чунки юрак аритмиялари алоҳида касаллик бўлмасдан, балки улар асосий касалликларнинг асоратлари ҳисобланади. Аммо юрак аритмиялари муҳим клиник аҳамиятга эга бўлиб, беморлар оғир клиник аҳволга тушиб қолишларига сабабчи бўлиши ва уларнинг ҳаёти учун жиддий хавф туғдириши мумкин. Шунинг учун ҳам юрак аритмиялари аниқланганда улар беморнинг диагнозида, албатта, кўрсатилиши лозим. Юрак аритмиялари хуружи пайтларида шошилич ёрдам кўрсатиш тартиби куйидаги жадвалда келтирилган.

16-жадвал

Тахикардияларда шошилич ёрдам кўрсатиш

Аритмия тури	Диагностик белгилар	Шошилич ёрдам
Жайталанувчан бўлмачалар тахикардияси	Тўсатдан бошланади, RR оралиги доимий, QRS<0,1 с; ЮУТ 130-220 мин. Вагус синамасы хуружни тўхтатиши мумкин	Вагус синамасы; аденозин трифосфат ёки (АТФ), верапамил 5-10 мг венага ёки бета-блокаторлар ичига ёхуд новокаинамид 5-10,0 венага
Бўлмачалар тўқоли тахикардияси	Бошланиши аста-секин, R-R оралигининг иссиариши билан QRS<0,1 с; ЮУТ 110-150 1 мин. Вагус синамалари ЮУТни пасайтириш мумкин	Асосий чақирувчи касалликни даволаш, бета-блокаторлар верапамил, дилтиазем
Атрио-вентрикуляр (тугунча) тахикардия	Тўсатдан бошланади, RR оралиги доимий, QRS<0,1 с; ЮУТ 140-220 мин. Вагус синамасы хуружни тўхтатиши мумкин	Вагус синамасы; аденозин трифосфат (АТФ); верапамил, бета-блокаторлар, новокаинамид
Бўлмачалар дириллаши ва рилпирои аритмия (трепетание, мерцание)	Бошланиши тўсатдан; дириллаш тўқлинилари (350-700/мин.) R-R оралиги нар хил; QRS<0,1 с; ЮУТ 140-220 мин.	1С синф ААД (пропафенон, аллапинин) амидарон; электроимпульс ёрдамида ритми тиклаш
Бўлмачалар дириллаши (трепетание) Вольф-Паркинсон-Уайт синдромида	Бошланиши тўсатдан; дириллаш тўқлинилари; RR оралиги нар хил эмас; QRS<0,1 с; диформацияланган дельта тўққин ҳисобига; ЮУТ>220/мин. Вагус синамасы мумкин эмас	1С синф ААД (пропафенон, аллапинин) 111 синф амидарон; электроимпульс ёрдамида даволаш; верапамил ва юрак гликозидларини илгаш мумкин эмас
Жоринчалар тахикардияси	Бошланиши тўсатдан; P-P>RR; R-R интервал доимий; QRS<0,14 с; ЧСС 120-200/мин. Вагус синамасы самарасиз	Лидокаин 80-120 мг. венага ёки амидарон венага ёки новокаинамид венага, магний сульфат венага, электроимпульс ёрдамида ритми тиклаш

Жоринча усти (бўлмачалар) тахикардияларининг замонавий таснифи:

1. Синус тахикардияси.
2. Сино-атриал тахикардия.
3. Бўлмачалар тахикардияси.
4. Атрио-вентрикуляр (тугунча) тахикардия.
5. Атрио-вентрикуляр (тугунча) тахикардия WPW синдромлари билан:
 - а) Ортодром;
 - б) Антидром.
6. Бўлмачалар дириллаши.
7. Бўлмачалар рилпирои (мерцательная) аритмияси.

Жоринчалар усти (бўлмачалар) тахикардияларидан энг кўп учрайдиган рилпирои аритмия ҳисобланади, улар беморнинг ёши ултая боргани сари тез-тез учрайдиган бўлади; >20 ёшда - 2 фоиз; 50-59 ёшларда - 3,5 фоиз ва >80 ёшдан ошганда 10 фоизгача етади.

Гозирда рилпирои аритмиянинг иуйидаги 3 тури фариланади:

- рилпирои аритмиянинг пароксизмал, яъни хуружсимон тури - аритмия давомийлиги 48 соатгача;
- рилпирои аритмиянинг персистив тури - давомийлиги >48 соатдан 7 кунгача;
- рилпирои аритмиянинг доимий тури.

Юрак аритмияларининг замонавий таснифи ва даволаш принциплари 18-жадвалда келтирилган.

Юрак жоринчалари аритмияси

Юрак жоринчалари аритмияларига экстрасистолия, жоринчалар тахикардияси, жоринчалар дириллаши (трепетание) ва жоринчалар рилпирои аритмияси (фибрилляция) киради.

Жоринчалар аритмияларини таснифлашда кўп йиллар давомида (1971, 1983 йй.) В. Лаун ва М. Вольф таснифи илланилиб келаётир. Бунда жоринчалар аритмиялари 5 даражага бўлинади: 1-30 тадан кўп бўлмаган, монотоп жоринчалар экстрасистолияси; иккинчи соатига 30 тадан ортти, монотоп КЭ; 3-политоп КЭ; 4А - жуфт; 4Б - тгдаланган 3 ва ундан ортти ЖЭ ёки жоринчалар тахикардияси ва 5-эрта (Рни Тга) КЭ.

аз навбатида, жоринчалар тахикардиялари (ЖТ) иуйидагилардан иборат:

- турлун бўлмаган (неустойчивая) - кетма-кет 3 та ва ундан ортти КЭ, 30 секундгача давом этадиган КТ;
- монорф КТ - QRS комплекси бир хил бўлган тахикардия;

- полиморф КТ - QRS комплекси гзгарувчан тахикардия;
- жоринчалар дириллаши (трепетание) - монорф КТ ЮУ тезлиги 240-300 1 мин.;

- жоринчалар фибрилляцияси - мунтазам бўлмаган, турли амплитудалик QRS комплекслари.

Аммо кейинги илмий изланишлар натижалари бемор раёти нафааат ЖА тури билан, балки юрак йон-томирларининг арволи, юрак иссиарувчанлиги ва вегетатив нерв тизимига бўлилигини анилаб берди. Шунинг учун ЖА прогностик таснифи (Д. Биггер, 1984 й.) иабул иилинган.

17-жадвал

Жоринчалар аритмиясининг прогностик таснифи (Биггер S, 1984 й.)

Кўрсаткичлар	Жоринчалар аритмиялари		
	Жуда паст	Ўртача	Баланд
Тўсатдан ўлим хавфи			
Клиник белгилари	Юрак тез ёки нотекс уриши, тиббий кўриқдан ўтганда КЭ аниқланади	Юрак тез ёки нотекс уриши, тиббий кўриқдан аритмия аниқланади	Юрак уриши, хуш йўқотишлар, юракнинг тўхтаб қолиш ҳоллари
Юрак касаллиги	Одатда аниқланмайди	Мавжуд	Мавжуд
Инфарктдан кейинги чандиқ, миокард гипертрофияси	Йўқ	Бор	Бор
КЭ микдори	1-10 та 1 соатда	10-100 та 1 соатда	10-100 та 1 соатда
Жоринчалар тахикардияси	Йўқ	Кўп ҳолларда нотургун, қисқа	Тез-тез, узоқ давомли хуружлар
Даволашдан кўзланган мақсад	Клиник белгиларни энгиллатиш	Клиник белгиларни камайтириш, ўлим ҳолларининг олдини олиш	Клиник белгиларни камайтириш, аритмияни даволаш, ўлимни камайтириш

18-жадвал

Юрак аритмияларининг замонавий даволаш принциплари

Аритмия тури	Даволаш	Изор
Синус тахикардияси юрак уриш тезлиги (ЮУТ) 1 мин. 100-160 гача	Асосий сабабни бартараф қилиш, анемия, гиповолемия, иситма, тиреотоксик ва ҳ.к., агар тахикардия айрим патогенетик ҳолат билан боғлиқ бўлса (стенокардия, МИ) бета-блокаторлар тавсия қилинади	Кўп ҳолларда стрессга (асабийлашиш) жавобан нормал ҳисобланади
Синус брадикардияси ЮУТ 1 мин. 55 дан кам	Атропин - 0,6-10 мг. микдорда венага, изопреналин 2-20 мг/мин., электростимулятор ёрдамида кардиостимуляция муолажа ўтказиш (реанимация бўлимларида)	Кўпгина ҳолларда нормал ҳисобланади. Агар брадикардия, стенокардия, гипотония, хушдан кетиш, юрак етишмовчилиги, жоринчалар аритмиясига олиб келса, даволаш тавсия қилинади
Бўлмачалар экстрасистолияси	Кўпгина ҳолларда махсус даволаш талаб қилинмайди. Аритмиянинг субъектив аломатларини бартараф қилиш учун бета-блокаторлар, верапамил гуруҳи ишлатилади. Бўлмачалар экстрасистолияси, хилпилловчи аритмия ёки бўлмачалар тахикардиясини чақирса, хинидин ва верапамил, аллапинин гуруҳи дорилари ишлатилади	Аритмиянинг ўзи бемор ҳаёти учун хавфсиз. Аммо юракнинг органик касалликларида хилпироқ аритмия хуружига олиб келиши мумкин
Бўлмачалар тахикардияси	Чақирувчи касалликни даволаш, верапамил, кордарон ва аллапинин самарадорлиги аниқланган	Ўпканинг қатор оғир касалликларида келиб чиқади. Миокардит, кардиомиопатиялар, ревматизм, ЮИК, АГда ҳам учраши мумкин

Равшан ҚУРБОНОВ,
Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази
директори, профессор.

(Давоми бор).

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий фаолиятни лицензиялаш Кенгаши маълум қилади

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий фаолиятни лицензиялаш Кенгашининг 2012 йил 12 сентябрдаги 12-сонли қарорига асосан тиббий фаолият учун берилган лицензияларнинг ўз хоҳишига кўра амал қилиши тугатилиши тўғрисидаги ариза билан мурожаат этган юридик шахслар рўйхати

№	Ўзгариш номи	Тиббий фаолият ва нонча мақоми	Фирма/шахс номи	Лицензия рақами
1	Тошкент шаҳри	Узгера тумани, Москва йотакдон ёнаси, 2-А йў	"MEDOR" МФК	4898-нб, 17.10.2008 й. берилган
2	Тошкент шаҳри	Чалонор тумани, Чалонор кўчаси, 1-99-йў	"DENTAL" МФК	3714-нб, 20.05.2004 й. берилган
3	Тошкент шаҳри	Кўнубод тумани, А. Тевар кўчаси, 25-йў	"DORIS" МФК	2008-91 30.05.2012 й. берилган
4	Тошкент шаҳри	М. Улуғбек тумани, III Юсуф, 50-йў	"BIOFARMUENGAL" МФК	170-4112 20.08.2010 й. берилган
5	Анджон вилояти	Анджон шаҳри, Самарқанд, тор кўчаси, 15-йў	"3PMED-MED" ҳусулий корхонаси	3893-нб, 20.05.2004 й. берилган
6	Сардор вилояти	Сардор тумани, Фирдавсий кўчаси, 11-йў	"Анджон" ҳусулий фирмаси	3704-нб, 20.05.2004 й. берилган
7	Сурхондарё вилояти	Термак шаҳри, 5-неча, даво, 15-йў, 15-сондан	"TERMAK MED" ҳусулий корхонаси	5183-нб, 20.05.2007 й. берилган
8	Самарқанд вилояти	Каттақўрғон тумани, Пайда-ба қўрғон, F. Фулом кўчаси, 14-А йў	"STOMADENT SERVICE" ҳусулий корхонаси	5745-нб, 17.11.2008 й. берилган
9	Самарқанд вилояти	Ўрғў тумани, Навоий шарафонаси, 103-йў	"URGUT DENTAL SERVICE" ҳусулий корхонаси	5744-нб, 17.11.2008 й. берилган
10	Самарқанд вилояти	Самарқанд тумани, Давлати Саид Қўб, "Диний" мадраса, III Каримов кўчаси, 3-йў	"DOLVIM DENTAL EXPO" ҳусулий корхонаси	5852-нб, 26.12.2008 й. берилган
11	Қашқадарё вилояти	Басба тумани, Маймақ, қишлоғи	"Маймақ шифо мақоми" ҳусулий корхонаси	К-8038 20.08.2008 й. берилган
12	Қашқадарё вилояти	Қасби тумани, Каттаган қишлоғи	"Очалои Навоий" ҳусулий ташкилот ва давлат мақоми	5853-нб, 26.05.2008 й. берилган
13	Бўхора вилояти	Бўхора тумани, Галасий кўчаси, Истиқом Қўб, Қўба қишлоғи	"ORIF TABOBATI" МФК	5877-нб, 09.08.2008 й. берилган
14	Бўхора вилояти	Ромитан шаҳри, Талқор кўчаси, 47-йў	"XAMM" ҳусулий фирмаси	2643-нб, 07.05.2001 й. берилган
15	Қорақалпоғистон Республикаси	Берунай шаҳри, Жуманов кўчаси	"Вак, Аббас" ҳусулий фирмаси	4420-нб, 22.04.2005 й. берилган
16	Фарона вилояти	Кўсон шаҳри, Янги дўрт кўчаси, 62-йў	"FARMALOGOS CITY" ҳусулий соғлиқни сақлаш ташкилот фирмаси	К-8039 28.11.2008 й. берилган

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий фаолиятни лицензиялаш Кенгашининг 2012 йил 3 октябрдаги 13-сонли қарорига асосан тиббий фаолият учун берилган лицензияларнинг ўз хоҳишига кўра амал қилиши тугатилиши тўғрисидаги ариза билан мурожаат этган юридик шахслар рўйхати

№	Ўзгариш номи	Тиббий фаолият ва нонча мақоми	Фирма/шахс номи	Лицензия рақами
1	Тошкент шаҳри	Кўнубод тумани, А. Тевар кўчаси, 101-йў	ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАДБИҚ ИЛМИЙ-ТАДБИҚИЙ ИСТИҚОМ ВАТЕНИ КАМИ "Тиббий марказ"	3734-нб, 15.11.2002 й. берилган
2	Тошкент шаҳри	Сарғай тумани, Тоғтоғ кўчаси, 18-йў	"ALPTEK" МФК	10-0814 27.02.2002 й. берилган
3	Тошкент шаҳри	Чалонор тумани, Мукаий кўчаси, 100-йў, 04-47-йў кўчалари	"DENTAL-SERVICE" МФК	170-3880 28.07.2009 й. берилган
4	Тошкент шаҳри	Кўнубод тумани, Афандий кўчаси, 12-8 йў	"DOPING-VSEM" МФК	1000-нб, 17.04.2006 й. берилган
5	Тошкент шаҳри	М. Улуғбек тумани, Парвеш кўчаси, 11-йў	"MAMAT-DENTAL" МФК	170-2020 28.10.2002 й. берилган
6	Тошкент шаҳри	Самарқанд тумани, Ленин 3-йў кўчаси, 2-йў	"BOBIRI DENTAL ABOUT" МФК	1241-30 28.09.2007 й. берилган
7	Тошкент шаҳри	Сарғай тумани, Ўстани 2-мақоми, 33-йў, 38-сондан	"MACHA MEDICAL DENT" МФК	10-0812 26.04.2002 й. берилган
8	Тошкент вилояти	Самарқанд шаҳри, А. Тевар кўчаси, 2-йў, 81-мақоми	"DUBAJO SHIRO TADQIQ" МФК	170-3277 28.10.2002 й. берилган
9	Тошкент вилояти	Зангиота тумани, Зангиота Қўб, А. Тевар кўчаси, 10-йў	"DOCTOR DENTAL-DENT" ҳусулий корхонаси	10-0807 28.08.2006 й. берилган
10	Тошкент вилояти	Бўрж шаҳри, Муҳаммад кўчаси, 80-йў	"DENTAL-SMILE" ҳусулий фирмаси	3887-нб, 26.08.2006 й. берилган
11	Фарона вилояти	Бексар тумани, А. Юсуф кўчаси, 17-йў	"Самарқанд вилояти тибқи, тибқи, Бўрж ташкилотлари ҳусулий шифохонаси"	3877-нб, 01.04.2002 й. берилган
12	Фарона вилояти	Тобикот тумани, Янги қишлоғи	"Tabobat shifo BC" ҳусулий ташкилот қўб ва давлат фирмаси	1829-нб, 17.04.2006 й. берилган
13	Фарона вилояти	Морин шаҳри, 5. Морин кўчаси, 11-йў, 21-сондан	"Нобилои Шифо" ҳусулий корхонаси	10-0811 14.10.2006 й. берилган
14	Анджон вилояти	Анджон шаҳри, Бўрж шаҳри, 100-йў	"EXIAC-TABOBAT" ҳусулий корхонаси	3212-нб, 13.08.2006 й. берилган
15	Анджон вилояти	Анджон шаҳри, Морин кўчаси, 52-йў	"DENTAL-MED" ҳусулий фирмаси	7-2930-нб, 22.04.2005 й. берилган
16	Наманган вилояти	Минбурак тумани, Халқаро шарафонаси, 3. Қўб кўчаси, 38-йў	"Yin Dent" кўнубод ҳусулий фирмаси	170-3442 27.07.2002 й. берилган
17	Қашқадарё вилояти	Мўйриқ шаҳри, 4-неча тумани, 52-йў, 47-сондан	"Денти-Смил" ҳусулий корхонаси	3875-нб, 08.11.2004 й. берилган
18	Қашқадарё вилояти	Давлат тумани, Давлат Қўб, Давлат қишлоғи	"Шифо-ва-танд" кўнубод шифо ташкилот корхонаси	3887-нб, 26.08.2006 й. берилган
19	Қорақалпоғистон Республикаси	Бўрж шаҳри, Қўб кўчаси, 15-йў	"STOMATOLOG" МФК	170-2770 22.08.2002 й. берилган
20	Зhetayon вилояти	Гўл шаҳри, Гўл кўчаси, 28-йў	"DENTAL-TOB" ҳусулий стоматология корхонаси	6220-нб, 28.02.2007 й. берилган
21	Бўрж вилояти	Шифохона тумани, Бўрж кўчаси, 38-йў	"My Am. Yin Dent" ҳусулий стоматология шифохонаси	373-нб, 01.11.2004 й. берилган
22	Бўрж вилояти	Бўрж шаҳри, Парвеш кўчаси, 15-йў	"KAMAMON-TABOBAT" МФК	170-3038 28.07.2006 й. берилган

Экология ва табиат

ОРОЛБЎЙНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Пойтахтимизда Оролбўйидаги экологик мувозанатни барқарорлаштиришда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини ривожлантиришга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда медиатур якунлари, Оролбўйида амалга оширилаётган инновацион лойиҳалар самаралари, Устюрт платаси биохилма-хиллигини муҳофаза қилиш истиқболлари, Орол денгизи тубидаги қумларни мустақамлаш бўйича бажарилаётган дастур натижалари ҳақида батафсил сўз юритилди.

ЭКОЛОГИК НАЗОРАТНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ўзбекистон Экологик ҳаракатида давлат экологик назоратини амалга оширишнинг асосий йўналишлари, уни такомиллаштириш, атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида фаолият юритаётган давлат ва нодавлат тузилмалар ҳамкорлигини кенгайтириш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари П. Реймов, Ўзбекистон Экологик Ҳаракати марказий кенгаши ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари С. Сангинов ва бошқалар мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофазалаш, табиатдан оқилона фойдаланиш ва барқарор ривожланишга эришиш йўлида амалга оширилаётган изчил чоратadbirlar ўз самараларини бераётганини алоҳида таъкидлади.

Президентимиз Ислон Каримов томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида бу борадаги ишлар кўламини кенгайтириш ва ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш вазифаси белгиланган. Ушбу вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида "Экологик назорат тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Давра суҳбатида экологик назоратни амалга оширишда давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, миллий ва халқаро тажриба, "Экологик назорат тўғрисида"ги қонун лойиҳасини такомиллаштириш, экологик назоратни юритишда давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигини кенгайтириш истиқболларига оид маърузалар тингланди.

Миркарим МИРСОВУРОВ.

2012 год – Год семьи



МОЛОДЫМ СЕМЬЯМ – ПОСТОЯННОЕ ВНИМАНИЕ

В Год семьи в нашей стране особое внимание уделяется укреплению семьи – основной ячейки общества, в частности, защите ее правовых и социально-экономических интересов, а также всесторонней поддержке молодых семей. Эти задачи определены в качестве приоритетных направлений в утвержденной постановлением главы государства от 27 февраля 2012 года Государственной программе “Год семьи”, на местах последовательно обеспечивается их реализация.

В данном направлении Самаркандским областным отделом благотворительного общественного фонда “Махалла” также осуществляется определенная работа.

– В основе реформ, проводимых по дальнейшему совершенствованию и поддержке института семьи в стране, лежит такой благородный принцип, как здоровая семья – это прежде всего здоровое общество, а значит – сильная и стабильная страна, – говорит председатель Самаркандского областного отдела благотворительного общественного фонда “Махалла” Шавкат Жоникулов. – Это можно увидеть на примере благородной работы, осуществляемой в рамках Государственной программы “Год семьи”. В частности, в целях усиления заботы о молодых семьях, их поддержки им выдано 50 голов крупного рогатого скота.

Согласно договору, заключенному с обществом с ограниченной ответственностью “Мароканд-Парранда” Самаркандского района, в области свыше 64 тысячам семей выдано по двадцать цыплят, а малообеспеченным семьям из Нарпайского, Пахтачинского, Кошрабадского, Нурабадского, Акдарьинского, Ургутского районов – по двадцать кур. Кроме

того, для налаживания птицеводства эти семьи были обеспечены всеми необходимыми средствами. Специалистами предприятия им даются необходимые рекомендации и консультации, оказывается практическая помощь. В результате в настоящее время во многих семьях налажена заготовка диетического мяса и яиц, таким образом создан источник постоянного дохода.

Кроме того, за счет средств, поступивших от благотворительных хашаров, проведенных накануне праздников Навруз и Дня независимости, нуждающимся семьям оказана благотворительная помощь. Отремонтировано около ста домов.

Осуществлена также широкомасштабная работа по содействию в проведении свадеб детей из малообеспеченных семей, обеспечению их необходимыми предметами обихода, бытовой техникой и мебелью. В данном направлении в нынешнем году фондом оказана практическая помощь более чем 200 молодым семьям области.

Нынешний Год семьи навсегда запомнится десятерым воспитанникам домов милосердия, вступающим в брак. Наряду с оказанием им местными хокимиятами и спонсорами необходимой материальной и моральной помощи благотворительный об-

щественный фонд также подарил им спальные гарнитуры.

– Этот подарок является отражением безграничного внимания и заботы нашего государства о молодых семьях, – говорит житель самаркандской махаллы “Эски Хазора” Исmoil Хайдаров. – За это мы очень благодарны Президенту. Махалла оказала всестороннюю поддержку в проведении нашей свадьбы. В ответ на это мы постараемся стать одной из образцовых семей нашей махаллы и внести свой вклад в развитие страны.

Наряду с материальной и моральной поддержкой молодых семей в области принимаются необходимые меры по их укреплению, созданию стабильной социально-духовной атмосферы в семьях. В этой связи на местах проводятся встречи и беседы за “круглым столом” с участием активистов махаллы, пропагандистов духовности и представителей семей, имеющих богатый жизненный опыт. Занятия в семейном институте, действующем при районных и городских отделах ЗАГСа, организуются совместно с органами самоуправления граждан. Кроме того, широко применяется практика прикрепления образцовых семей к молодым семьям махаллы.

Подобные устремления служат важным фактором обретения молодыми семьями достойного места в обществе, предотвращения различных семейных конфликтов.

**Г. ХАСАНОВ,
корр. УзА.**

Қутлов

БИЗЛАРНИ ШОД ҚИЛГАН, УСТОЗИМИЗ ТАБАССУМИ



Биз юқоридаги мавзумизни бежизга танламадик. Қуролли Кучларнинг истеъфодаги тиббий хизмат подполковниги, Ўзбекистон ёзувчилар ва журналистлар ижодий уюшмалари аъзоси, Соғлиқни сақлаш аълочилиси ҳамда шоир Искандар Раҳмон тахририятимизга кибриб келар экан, устозимизнинг юзларидаги табассуми, илиқ муомаласи жамоамиз аҳлининг илҳомига илҳом қўшса, қалбларимизга эзгулик уругини сочади.

Барчамизни ўзининг ноёб истеъдодлари билан маҳв этган Искандар Раҳмон 1937 йилнинг 20 октябрида Тошкент шаҳрида, зиёли оилада таваллуд топди. 1955 йили Тошкент вилоятининг Оҳангарон тумани Облик қишлоғидаги мактабни аъло баҳоларда тугатиб, 1955-61 йилларда Тошкент Давлат тиббиёт институти (ҳозирги Тошкент тиббиёт академияси)да таҳсил олди. 1961-87 йилларда Қуролли Кучлар сафида хизмат қилган, истеъфодаги тиббий хизмат подполковниги, Ўзбекистон ёзувчилар ва журналистлар ижодий уюшмалари аъзоси, “Соғлиқни сақлаш аълочилиси” кўкрак нишони соҳиби. Ижодкорнинг она Ватанга муҳаббат, бурчга садоқат, ҳарбий ватанпарварлик мавзусидаги 30 дан ортиқ назмий ва насрий асарлари нашр қилинган. 50 дан ортиқ шеърлари таниқли хонандалар, ҳарбий ходимлар, санъатсеварлар томонидан

қуйлаб келинмоқда. Айни пайтда Искандар Раҳмон Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси марказий кенгаши ҳузурдаги “Ёшлар билан ишлаш гуруҳи” раҳбари сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Газетамиз янада ўқишли бўлиши учун ўзининг туркум мақолалари билан фаол иштирок этиб келаётган ажойиб, камтарин инсон тиббиёт тарихида ўчмас из қолдирган соҳа дарғаларининг ҳаёт ва фаолиятини ёритишдан ҳеч қачон чарчамайди. Шунини эътироф этишимиз лозимки, Ўзбекистон тиббиёти тарихини чуқур ўрганган Искандар Раҳмон ҳамон изланиш ҳамда янгиликлар сари интилиб келмоқда.

Биз ҳам устозимизни таваллуд кунлари билан самимий қутлаб, уларга куч-қувват, соғлиқ, оилаларига эса хотиржамлик тилаб қоламиз.

Ибодат СОАТОВА.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази профессори, тиббиёт фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби

Орхан Сераждетдинович МАҲМУДОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент педиатрия тиббиёт институти илмий ишлар бўйича проректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Абдулазиз Абдулатипович АБДУСАМАТОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Республика ОИТСга қарши кураш маркази марказ эпидемиологи

Майсара Маннаповна ҲОЗИЕВАнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Газета
муассиси:
**Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги**

Бош муҳаррир Анвар АЛИМОВ
Нашр учун масъул
**Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА**

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «@» шартли белгиси қўйилади.

Манзилемиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари тахририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 6329 нусха.
Буюртма Г-1045.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҶШОҚОВ. Навбатчи Владимир ПОЖОГИН.
Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

